204
ФИЛФАКА САГУ

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 204 (1724)
14 ОКТЯБРЬ
ЖУМА
1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

**Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси—совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги буюк илҳомлантирувчи ва ташкилотчи кучи!**

## УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 43 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ

# ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги!

2. Инсоният тарихида янги давр — капитализмнинг емирилиши ва социализмнинг тантанаси даврини очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

3. Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғолиб байроғи, бутун дунё меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуроли — марксизм-ленинизм!

4. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Бутун кучни партия XXI съездининг жаҳоншумул-тарихий қарорларини, мамлакатимизда коммунизмнинг кенг авж олдирилган қурилиши буюк вазифаларини бажаришга қаратингиз!

5. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг тинчлик учун, халқларнинг миллий мустақиллиги учун, демократия ва социализм учун курашидаги авангарди — қардош коммунистик ва ишчи партияларга оташин салом!

Яшасин барча мамлакатлар коммунистик ва ишчи партияларининг бузилмас бирлиги ва жипслиги!

6. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

7. Барча мамлакатлар ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг тинчлик ва демократия учун, халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун, социализм учун курашда ҳаракат бирлиги, жанговар бирдамлиги мустаҳкамлансин!

8. Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарайлик!

9. Шармандали мустамлакачилик системасини тамомила йўқотиш учун курашаётган барча халқларга қардошлик саломи!

Жаҳон халқлари! Барча мустамлака мамлакатларга дарҳол тўла мустақиллик ва озодлик берилишига эришингиз!

10. Барча мамлакатларнинг халқлари! Тинчлик учун, ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун курашингиз! Уруш оловини ёқувчи империалистларни — инсониятнинг душманларини қатъий фош қилингиз!

11. Жаҳон халқлари! «Совуқ уруш»нинг тугатилишига ва халқаро кескинликнинг юмшатилишига эришингиз! Атом ва водород қуроли синовларининг тўхтатилишига ва бу қуролларнинг тақиқланишига эришингиз!

12. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ғарбий Германиянинг қуроллантирилишига қарши, немис реваншчиларининг ракета-атом қуроли билан таъминланишига қарши, Германия билан сулҳ шартномаси тузиш ва Ғарбий Берлинда оккупация режимини тугатиш учун қатъий кураш олиб борингиз!

13. Тинчлик, демократия, социализм ва миллий мустақиллик учун мардона курашиб, капиталистик мамлакатларнинг турмаларида азоб чекиб ётган кишиларга қизғин салом!

14. Яшасин тинчлик ва халқлар хавфсизлигининг мустаҳкам таянчи — қудратли жаҳон социализм системаси! Социалистик лагерь мамлакатларининг улуғ ҳамкорлиги яшнасин ва мустаҳкамлансин!

15. Социализм қураётган Хитой Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин СССР ва Хитой улуғ халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

16. Социализм қураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва албан халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

17. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

18. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

19. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

20. Яшасин тинчлик учун, бирлашган демократик ва тинчликсевар Германия учун курашда бутун Германиядаги прогрессив кучларнинг таянчи — Германия Демократик Республикаси! Социализм қураётган Германия Демократик Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва герман халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги мустаҳкамлансин!

21. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик асосларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

22. Социализм қураётган Мўғулистон Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва мўғул халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

23. Социализм қураётган Польша Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

24. Социализм қураётган Руминия Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

25. Социализм қураётган Чехословакия Социалистик Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқларининг абадий, бузилмас дўстлиги ва ҳамкорлиги!

26. Югославия Федератив Халқ Республикасининг меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва югослав халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги тинчлик ва социализм учун кураш манфаатлари йўлида ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

27. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

28. Улуғ индонез халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Индонезия халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

29. Тинчлик ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Бирма, Цейлон, Камбоджа, Лаос халқларига қизғин салом!

30. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

31. Империалистларнинг кирдикорларига қарши, мустамлакачиликни батамом тугатиш учун, ўз мамлакатларининг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун, миллий экономикани ривожлантириш учун курашаётган араб мамлакатларининг халқларига қизғин салом!

32. Мустамлакачилик кишанларини парчалаб ташлаган ва ўз миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидокорона курашаётган озод африка давлатларининг халқларига қизғин салом!

Африканинг барча мазлум халқларига озодлик!

33. Ўз миллий мустақиллиги учун ва Конго Республикасининг территориал бутунлигини сақлаш учун, мустамлакачиларнинг кирдикорларига қарши курашаётган Конго халқига қизғин салом!

34. Империализмга қарши, ўз мамлакатларининг мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш учун, халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорлик учун курашаётган Латин Америкаси халқларига қизғин салом!

35. Янги ҳаёт қураётган, ўз миллий озодлиги ва мустақиллигини фидокорона ҳимоя қилаётган қаҳрамон Куба халқига қизғин салом!

36. Яшасин Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг бутун дунёда мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлидаги дўстлиги ва ҳамкорлиги!

37. Германия Федератив Республикасининг милитаризм ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига қизғин салом! Совет ва герман халқларининг дўстлиги мустаҳкамлансин!

38. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

39. Яшасин Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги!

40. Совет халқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

41. Яшасин Совет Иттифоқи ва Австрия халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги!

42. Ўз территориясидаги америка ҳарбий базаларига қарши, мамлакатнинг мустақил ва демократик ривожланиши учун, барча қўшни давлатлар билан тинчлик ва дўстлик учун курашаётган япон халқига қизғин салом!

43. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати — ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши сиёсати, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлаш, уларнинг озодлиги ва мустақиллигини ҳурматлаш, кенг иқтисодий ва маданий алоқаларни ривожлантириш сиёсати!

44. Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозонган, тинчликни, Ватанимизнинг давлат манфаатларини ва хавфсизлигини ҳушёрлик билан қўриқлаётган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

45. Яшасин совет тузумининг мустаҳкам ва бузилмас негизи бўлган ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи!

46. Яшасин ва мустаҳкамлансин кўп миллатли социалистик давлатимизнинг кучи, қудрати ва яшнашининг манбаи бўлган СССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги!

47. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун кучни етти йиллик планни тўла ва ошириб бажаришга, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга сафарбар қилайлик! Коммунистик қурилишнинг янги ғалабалари сари, олға!

48. Шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари! Капитализм билан тинч мусобақада тарихан энг қисқа вақт ичида ғалабага эришайлик! Аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш жиҳатидан Америка Қўшма Штатларига етиб олайлик ва ундан ўзиб кетайлик!

49. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Социалистик мажбуриятларни бажариш — ҳар бир корхона ва қурилиш, ҳар бир колхоз ва совхоз коллективининг шарафли ишидир! Етти йилликнинг иккинчи йили — 1960 йил халқ хўжалик планини тўла ва ошириб бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасини янада кенг авж олдирайлик!

50. Коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларига, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар! Келажак разведкачиларининг қудратли ҳаракатини янада кенг авж олдирайлик!

51. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатимиз қудратини ва халқнинг фаровонлигини янада оширишнинг негизи бўлган социалистик мулкни бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз! Жамоат бойлигини кўпайтирингиз, социализмнинг: «Ишламаган тишламайди!» принципини оғишмай амалга ошириш учун курашингиз!

52. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Меҳнат унумдорлигини ошириш учун мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўлароқ фойдаланингиз! Комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни сабот билан амалга оширингиз, фан ва техниканинг ютуқларини ишлаб чиқаришга дадил жорий қилингиз!

53. Ишчилар, инженерлар, техниклар ва мастерлар! Корхона ва қурилишларнинг бир меёрда ишлашини таъминлангиз, социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлангиз! Иқтисодий тежаш учун курашингиз, маҳсулотнинг сифатини яхшилангиз ва унинг таннархини камайтирингиз!

54. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Қисқартирилган иш кунига ўтиш — дунёда энг қисқа иш кунини СССРда амалга ошириш йўлидаги муҳим босқичдир. Меҳнатда ижодий активликни тағин ҳам оширайлик!

55. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Ишлаб чиқаришнинг бутун сифат кўрсаткичларини яхшилаш учун, электр энергиясини, металл ва ёқилғини тежаш учун курашингиз! Рационализаторлар ва ихтирочиларнинг оммавий ҳаракатини ривожлантирингиз!

56. Оғир индустрия ходимлари! Бутун халқ хўжалигини янада юксалтиришнинг, халқ фаровонлигини оширишнинг ва Ватанимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашнинг негизи бўлган оғир саноат ишларини яхшилаш учун курашингиз!

57. Совет металлурглари! Ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясини такомиллаштирингиз! Янги руда конларини ўзлаштириш суръатларини оширингиз! Халқ хўжалигига руда, чўян, пўлат, прокат, трубалар, рангли ва нодир металларни кўпроқ берингиз!

58. Совет энергетиклари, электростанциялар ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Янги энергетика қувватларини тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз, энергия системаларини қуриш ва улардан фойдаланиш қимматини камайтирингиз! Мамлакатга кўпроқ электр энергияси берайлик!

59. Машинасозлик ва асбобсозлик ходимлари! Иш унуми юксак бўлган ва тежамли энг янги машиналар ва асбоблар, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштирингиз! Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини техника билан қайта қуроллантириш учун сабот билан курашингиз!

60. Нефть ва газ саноатининг ходимлари! Геологоразведка ва пармалаш ишлари, янги конларни ўзлаштириш, нефть ва газ чиқариш суръатларини оширингиз! Нефть маҳсулотларини қайта ишловчи заводларнинг қувватини кўпайтира берингиз, нефть маҳсулотларининг сифатини оширингиз! Мамлакатга кўпроқ нефть ва газ берайлик!

61. Кўмир саноатининг ходимлари! Комплекс механизациялашни ва кўмир чиқаришнинг самарали усулларини кенг жорий қилингиз! Меҳнат унумдорлигини оширингиз, кўмирнинг таннархини камайтирингиз ва сифатини яхшилангиз!

62. Кимё саноатининг ходимлари! Янги қувватларни тезроқ ишга туширингиз, кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз ва сифатини оширингиз, уларнинг хилларини кўпайтирингиз! Кимёвий хомашёдан яхши сифатли ва арзон молларни кўпроқ тайёрлангиз! Қишлоқ хўжалиги учун кўпроқ минерал ўғитлар берингиз!

63. Совет бинокорлари! Янги корхоналар, темир йўл ва тош йўллар, уй-жой бинолари, мактаблар, касалхоналар ва болалар муассасалари қуриш суръатларини тезлаштирингиз ва сифатини яхшилангиз! Қурилишнинг индустриал базасини мустаҳкамлангиз! Қулай, кўркам, яхши сифатли ва тежамли бино ва иншоотлар қурингиз!

64. Бинокорлик материаллари саноатининг ходимлари! Цемент, қулай янги бинокорлик материаллари, буюмлар ва йиғма конструкциялар ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтирингиз! Бинокорлик материалларининг сифатини оширингиз ва таннархини камайтирингиз!

65. Ўрмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноатининг ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!

66. Енгил саноат ходимлари! Пишиқ ва нафис газламалар, кийим-кечак, пойафзал, уй-рўзғор буюмлари ва халқ истеъмоли учун керакли бошқа молларни кўпроқ ишлаб чиқарингиз, сифатини яхшилангиз, хилларини кўпайтирингиз!

67. Озиқ-овқат саноати ходимлари! Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан кўпайтирингиз, уларнинг сифатини яхшилангиз ва хилларини кўпайтирингиз!

68. Балиқ саноати ходимлари! Очиқ денгизларда, океанларда ва ҳовуз-кўлларда балиқ овлашни кўпайтирингиз! Балиқ маҳсулотларининг сифатини яхшилангиз!

69. Совет транспорти ходимлари! Темир йўл, денгиз, дарё, автомобиль ва ҳаво транспортини такомиллаштирингиз ва замонавий техника воситалари билан таъминлангиз! Юкларни етказиб бериш муддатларини қисқартирингиз, юк ташишнинг таннархини камайтирингиз, пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

70. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Почта, телеграф, телефон, радио, телевидениенинг пухта ишлашига эришингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилангиз!

71. Колхозчилар! Жамоат хўжалигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, жамоат бойлигининг негизи бўлган бўлинмас фондларни кўпайтирингиз! Колхозлараро ишлаб чиқариш алоқаларини кенгайтирингиз!

72. Ўз социалистик мажбуриятларини бажариш учун зўр ғайрат билан курашаётган қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига шон ва шарафлар! Ватанга дон, гўшт, сут, тухум, жун, пахта, зиғир, қанд лавлаги, картошка, сабзавот, мева, чой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпроқ етказиб берайлик!

73. Колхозчилар, совхоз ходимлари ва қишлоқ хўжалик мутахассислари! Фан, техника ютуқларини ва илғор иш тажрибаларни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига дадил жорий қилингиз! Маҳсулот таннархини камайтириш учун астойдил ҳаракат қилингиз!

74. Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтирингиз, чорва молларнинг маҳсулдорлигини оширингиз! Аҳоли жон бошига чорва маҳсулотлари етиштириш соҳасида Америка Қўшма Штатларидан ўзиб кетайлик!

75. Колхозчилар, қишлоқ механизаторлари! Деҳқончиликда ва чорвачиликда комплекс механизацияни кенг жорий қилингиз, техникани эгаллангиз ва меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда ўз меҳнатингизни енгиллаштириш учун техникадан яхшироқ фойдаланингиз!

76. Совхоз ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирингиз ва уларнинг таннархини камайтирингиз! Мамлакатнинг ҳамма совхозларини намунали, сермаҳсул ва юксак рентабелли корхоналарга айлантирайлик!

77. Қўриқ ерлардаги меҳнаткашлар! Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлангиз ва кўпайтирингиз! Муттасил ва юқори дон ҳосили олишга эришингиз! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз! Техникадан тўлароқ ва авайлаб фойдаланингиз!

78. Совет савдоси ва умумий овқатланиш ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишнинг юксак маданияти учун курашингиз, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларини яхшироқ ўрганингиз ва уларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондирингиз!

79. Совет муассасаларининг ходимлари! Совет аппарати ҳамма бўғинларининг пухта ишлашига эришингиз! Бюрократизм ва сансалорликни қатъиян йўқотингиз! Меҳнаткашларнинг эҳтиёжлари ва талабларига эътибор ва сезгирлик билан қарангиз!

80. Фан ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Фанни янада яшнатиш учун, техникани тараққий эттириш учун курашингиз! Янги кашфиёт ва ихтироларнинг ишлаб чиқаришга тезроқ жорий қилинишига эришингиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлангиз!

Илғор совет фанига шон-шарафлар!

81. Кучли космик кемани тарихда биринчи марта учирган ва уни Ерга омон-эсон қайтариб туширган совет олимлари, конструкторлари ва инженерлари, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар!

82. Адабиёт ва санъат ходимлари! Ўз асарларингизда совет кишиси қаҳрамонона ишларининг улуғворлиги ва гўзаллигини ёрқин акс эттирингиз! Асарларнинг юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун курашингиз! Адабиёт ва санъатнинг халқ ҳаёти билан, ҳозирги замон билан маҳкам, чамбарчас боғланиши учун курашингиз!

83. Матбуот, радио ва телевидение, нашриёт ва маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари! Ҳамиша ғолиб коммунистик идеяларни, илғор тажрибани, фан ютуқларини, инсоният тўплаган маънавий бойликларни ҳормай-толмай пропаганда қилингиз ва омма орасига ёйингиз!

84. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини яхшилангиз, мактабнинг турмуш билан, ишлаб чиқариш билан маҳкам боғланиши учун курашингиз! Ёш бўғинни коллективизм, меҳнатга муҳаббат руҳида, Ватанга, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбиялангиз!

85. Медицина ходимлари! Халқ соғлиғини сақлаш ишларини яхшилангиз ва ривожлантирингиз, даволаш ва санитария муассасаларининг ишида маданиятни оширингиз! Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини амалда жорий қилингиз!

86. Яшасин мамлакатимизда чинакам халқ ҳокимияти органлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советлари!

87. Совет касаба союзлари! Етти йиллик планни амалга ошириш учун курашда ишчилар синфининг ва зиёлиларнинг ижодий ташаббусини ва активлигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз! Ишчи ва хизматчиларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини янада юксалтириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилингиз!

Яшасин коммунизм мактаби бўлган совет касаба союзлари!

88. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлган совет хотин-қизлари!

89. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви, коммунизм қурувчи ёшларнинг илғор отряди — Ленин комсомоли!

90. Йигит ва қизлар! Коммунистларча яшаш ва ишлашни ўрганингиз! Ўзингизда юксак маънавий фазилатларни ҳосил қилингиз! Революцион традицияларни садоқат билан сақлангиз, коммунизмнинг онгли ва толмас қурувчилари бўлингиз!

Яшасин мамлакатимизнинг келажаги — шонли совет ёшлари!

91. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Билимларни сабот ва қунт билан эгаллангиз, меҳнатни севингиз ва ҳурмат қилингиз! Лениннинг улуғ иши учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

92. Совет спортчиларига қизғин салом! Мамлакатимизда физкультура ҳаракатини янада кенгайтирайлик!

93. Коммунистлар ва комсомоллар! КПСС XXI съездининг қарорларини бажариш учун, СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг авангардида бўлингиз!

94. Коммунистик партия билан халқнинг бирлиги — социалистик тузум куч-қудратининг манбаи, коммунизм қурилишида янги муваффақиятларга эришиш гаровидир. Яшасин партия билан халқнинг улуғ бузилмас бирлиги!

95. Яшасин коммунизм бинокори — улуғ совет халқи!

96. Яшасин мамлакатимиз халқлари дўстлигининг қалъаси, тинчлик, демократия ва социализмнинг мустаҳкам таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

97. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

98. Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси — совет халқининг коммунизм қуриш учун курашдаги буюк илҳомлантирувчи ва ташкилотчи кучи!

99. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

100. Яшасин бутун инсониятнинг порлоқ истиқболи — коммунизм!

*СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ*

